

Хабар

26
(980)-son

1-iyul

www.xabar.uz
info@xabar.uz

2011

O'ZBEKISTON ALOQA VA AXBOROTLASHTIRISH AGENTLIGI NASHRI

1992-yil martdan chiqa boshlagan

БИРИНЧИ БОЛАЛАР ОЛИМПИАДАСИ:

ЁШЛИК ВА ШИЖОАТ КУРАШИ



Фарзанд тарбияси — халқимиз учун ҳаёт-мамонт масаласи. "Бир болага етти қўшни ота-она" тамойилига қурилган бу анъана асрлар оша халқимизнинг хоҳиш-иродасини ифодалаб келмоқда, ниятларимиз эзгулигидан нишона бериб турибди.

Мамлакатимиз мустақилликка эришгач, азалий қадриятларимиздан келиб чиқиб ва давр талаби асосида ёш авлод тарбияси ҳам давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Зеро, Юртбошимиз таъбири билан айтганда, XXI асрда ҳам жисмоний, ҳам маънавий етук, интеллектуал бойликка эга бўлган авлод ва халқгина жаҳон миқёсидаги бугунги кескин мусобақада ғолиб бўла олади.

4-5-бетлар

Сўнгги янгилик!

Австралиялик тадқиқотчилар киши ноутбукда ҳарф териш учун сарфлайдиган энергиядан қурил-мани зарядлашда фойдаланиш усулини ўйлаб топди.

Бу худди оддий "зажигалка" иш принципига ўхшаш: пьезоэлект-рик кристаллга зарба берилиши орқали учкун пайдо бўлади.

Бироқ ноутбук аккумулятори-ни зарядлаш учун олимлар на-нотехнологиялардан фойдалан-ган ҳолда ўта юпқа пьезоэлект-рик плёнкани яратишлари ло-зим бўлади.

Ушбу сонда:

■ Инновацион лойиҳалар — тараққиёт омили	2
■ Биз танлаган йўл	3
■ Google запускает конкурента Facebook	6
■ "Нано"нинг компьютер билан ҳамкорлиги	11
■ Энг мохир матбуот тарқатувчи Кўрик-танлов якунланди, ғолиблар мукофотланди	12

Теледастурлар, спорт, кроссвордлар



Алоқа оламида:

Aloqa Print

• СИФАТЛИ
ТЕЎХОР
• ПОЛИГРАФИЯ
ишга ижодий ёндашушБуклетлар, плакатлар, постерлар, визиткалар, бланкалар,
открыткалар, блокнотлар, папкалар, хилма-хил календарлар,
журналлар ва каталоглар тайёрлаймизМанзил: Амир Темури йўли, 1/2
Тел.: (+998 71) 236 13 34, 236 39 49
Факс: (+998 71) 233 85 56
Хабарлар агентлиги www.aloqaprint.uz

Umadan umagacha

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов 28 июн куни Оқсаройда Россия Федерациясининг Ҳарбий-техникавий ҳамкорлик бўйича федерал агентлиги директори Михаил Дмитриевни қабул қилди. Учрашувда Ўзбекистон Республикаси билан Россия Федерацияси ўртасидаги ҳарбий-техникавий ҳамкорлигининг бугунги ҳолати ва уни ривожлантириш истиқболлари, бу соҳадаги икки томонлама алоқаларнинг устувор йўналишлари юзасидан атрофлича фикр алмашилди.

Тошкентда 27 июн — Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари куни муносабати билан тантанали тадбир бўлиб ўтди. Маросимда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимларига табригини Президентнинг Давлат маслаҳатчиси Х.Султонов ўқиб эшиттирди. Тадбирда Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси томонидан анъанавий тарзда ўтказилаётган "Йилнинг энг фаол журналисти" республика кўрик-танлови ғолиблари ва совриндорларига мукофотлар топширилди.

Латвия Республикаси Сеймининг Ўзбекистон парламенти билан ҳамкорлик бўйича депутатлар гуруҳи раиси Александр Саковскис раҳбарлигидаги делегация 28 июн куни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига ташриф буюрди. Учрашувда икки томонлама алоқаларнинг ҳуқуқий асосини мустаҳкамлашда парламентлараро ҳамкорлик муҳим аҳамият касб этиши қайд этилди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасида Компютерлаштириш ва ахборот коммуникация технологияларини ривожлантириш бўйича Мувофиқлаштирувчи кенгашининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди.

Тошкент Давлат иқтисодий университетидида Институционал ва иқтисодий тадқиқотлар маркази томонидан "Хусусий мулкчилик ва тадбиркорликни ривожлантириш: эришилган ютуқлар, муаммолар ва ечимлар" мавзусида илмий-амалий анжуман ўтказилди.

Самарқанд шаҳрида Ўзбекистон электрон оммавий ахборот воситалари миллий ассоциацияси ҳамда Ўзбекистон мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди томонидан медиа-фестивал ўтказилди. Мазкур тадбир доирасида халқаро конференция ва "Озод юрт тўлқинлари" медиа-фестивали, шунингдек, турли учрашувлар ва семинар-тренинглар бўлиб ўтди.

Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлигининг навбатдаги Ҳайъат йиғилиши бўлиб ўтди. Йиғилишни Агентлик Бош директори, Ҳайъат раиси Х.Муҳитдинов бошқарди.

Ҳайъатда дастлаб "Агентликнинг Андижон вилояти ҳудудий бошқармаси ҳамда тизимдаги корхона ва ташкилотларнинг мазкур ҳудуддаги таркибий бўлинмаларида ижро интизоми ҳолатини ўрганиш натижалари тўғрисида"ги масала кўриб чиқилди. Мазкур масала юзасидан Агентликнинг Тошкент вилояти ҳудудий бошқармаси бошлиғи А.Арипов маъруза қилди. Ахборотчи жорий йилнинг 16-21 июн кунлари Агентликнинг Андижон вилояти ҳудудий бошқармасида, шунингдек, тизимдаги корхона ва ташкилотларнинг ушбу вилоятдаги қуйи таркибий бўлинмала-

йида 97та мурожаат ва шикоятлар тушган бўлиб, шундан 9таси асосли деб топилган. Барча мурожаат ва шикоятлар белгиланган тартибда кўриб чиқилган. Шикоятларнинг келиб чиқишига айбдор бўлган ходимларга нисбатан интизомий жазо чоралари кўрилган.

Филиал ва бўлинмаларда идоравий архив иши бўйича масъул ходимлар ажратилган, бироқ вилоят Маҳсус алоқа боғламасида идоравий архив иши бўйича масъул ходим ажратилмаган. Андижон радиотелевизион узатиш марказида масъул ходим архив ишини юритиш тўғрисидаги нор-

Инновацион лойиҳалар — тараққиёт омили

рида ижро интизоми ҳолати еттига асосий йўналиш бўйича ўрганилганлигини ва мазкур ўрганишларда ижобий ҳолатлар ва камчиликлар аниқланганлигини маълум қилди.

Филиал ва бўлинмаларда ҳужжатларни қабул қилиш ва рўйхатга олиш учун масъул шахслар ажратилган. Ҳужжатларнинг белгиланган тартибда рўйхатга олинishi ташкил этилган, бироқ "Электроманит мослашув маркази" ДУК Андижон вилояти ЭММХ томонидан кириш ҳужжатларини қайд этиш журналида кетма-кетликка риоя этилмаган, ОКСММ Андижон вилояти минтақавий бўлинмасида чиқиш ҳужжатларини қайд этиш журнали талаб даражасида юриштирилмаган, "Ўзбектелеком" АК Андижон филиали томонидан чиқиш ҳужжатларини қайд этиш журналида кетма-кетликка риоя қилинмаган. Филиалнинг Шаҳрихон, Бўз, Охунбобоев ТБларида ҳамда "Ўзбекистон почтаси" Андижон филиали Охунбобоев ПАТда ички бўйруқлар йўриқнома талабларига мос эмас.

Филиал ва бўлинмаларда топшириқларни ижрочиларга етказиш ўртача 1-2 кунни ташкил этади. Аммо, Охунбобоев ПАТга ҳужжатларни етиб келиши 10 кун муддатга чўзилиб кетмоқда. Ҳужжатларнинг ижроси бир ойни ташкил этади. Бундай ҳолатлар юқори ташкилот томонидан ишлаб чиқилган бўйруқ ва фармойишларнинг ўз долзарблигини йўқотишига олиб келмоқда.

Филиал ва бўлинмаларда юқори турувчи корхоналардан келган ва назорат остига олинishi талаб этилган ҳужжатлар назоратга олинган. Назорат ижроси бўйича назорат карточкалари ва дафтарлар юритилган. Шаҳрихон, Бўз, Охунбобоев ТБларида назорат остидаги ҳужжатларнинг бажарилиши йўриқнома талабларига жавоб бермайди. Охунбобоев ПАТда назорат остига олинган ҳужжатлар сони олтига бўлиб, барчаси муддатга ўтказиб бажарилган.

Андижон вилояти ДАЙга 2010 йил биринчи ярим йилликда "Ўзбектелеком" АК Андижон филиали устидан 165та мурожаат ва шикоятлар тушган, шундан 10таси асосли, 2011

матив ҳужжатлар билан танишмаган ва архив ишини юритиш бўйича маълумаси оширилмаган. ОКСММ Андижон вилояти минтақавий бўлинмасида, Шаҳрихон, Бўз, Охунбобоев ТБларида ҳамда Охунбобоев ПАТда масъул ходимлар архив ишлари бўйича етарли маълумотга эга эмас.

Барча филиал ва бўлинмаларда вилоят Давлат архиви билан ўрнатилган тартибда шартномалар тузилган.

Филиал ва бўлинмаларда электрон ҳужжат айланиш тизими жорий этилган ҳамда электрон ҳужжатлар алмашинув тизими йўлга қўйилган.

Йиғилишда "Соҳада инновацион лойиҳаларни ишлаб чиқиш ҳолати, илмий йўналишда амалга оширилаётган долзарб муаммолар ва уларни ҳал этишда соҳа корхоналари раҳбарларининг масъулияти ҳақида"ги масала бўйича Ўзбекистон радиотехника, электроника ва алоқа илмий-техника жамияти раиси ўринбосари М.Муҳитдинов маъруза қилди. Маърузачи инновацион лойиҳалар тараққиёт омили эканлигини айтиб, соҳа корхона ва ташкилотларида бу боралда амалга оширилаётган ишларни мисоллар асосида таҳлил қилиб берди.

Фан ва технологияларни ривожлантиришни мувофиқлаштириш қўмитаси (ФТРМК) томонидан фундаментал тадқиқотлар бўйича иккита устувор йўналишлар сифатида математика ва физика йўналишлари белгиланган. Мазкур йўналишлар бўйича Тошкент ахборот технологиялари университети томонидан 2007-2011 йилларга мўлжалланган 11 илмий-тадқиқот ишлари (ИТИ) мавжуд бўлиб, улардан 6таси ТАТУда, 5таси филиалларида олиб борилган.

2010 йилда ТАТУ томонидан 92,9 млн. сўмлик ҳамда филиаллар томонидан 48,8 млн. сўмлик илмий тадқиқот ишлари бажарилган. 2011 йилда 177,1 млн. сўмлик илмий тадқиқот ишларининг бажарилиши режалаштирилган бўлиб, шулардан ТАТУ томонидан 118 млн. сўмлик ҳамда филиаллар томонидан 59 млн. сўмлик илмий тадқиқот ишлари бажарилмоқда. 2009-2011 йилларда бажарилаёт-

➔ HAY'AT YIG'ILISHIDA



ган амалий-илмий тадқиқотлар бўйича ишлар ФТРМК томонидан белгиланган иккита устувор йўналиш бўйича 22та мавзу устида олиб бориляпти. Улардан 18таси ТАТУда, биттаси Фарғона ва учтаси Урганч филиалларида олиб бориляпти.

Маърузачи, шунингдек, "UNICON.UZ" ДУК, "Ўзбектелеком" АК, "Ўзбекистон почтаси" ОАЖ, "Радиоалоқа, радиоэшиттириш ва телевидение маркази" ДУК, "Матбуот тарқатувчи" АК, "Ёш дастурчиларни тайёрлаш ва қўллаб-қувватлаш маркази" МЧЖ, "Электроманит мослашув маркази" ДУК, "UZINFOCOM" марказида амалга оширилган инновацион лойиҳалар, илмий тадиқот ишлари билан боғлиқ муаммолар ва камчиликларга ҳам тўхталди.

Ҳайъатда "Ўзбекистон Республикаси телекоммуникация тармоқлари ҳолати тўғрисида"ги масала бўйича "Ўзбекистон телекоммуникация тармоқларини бошқариш республика маркази" давлат унитар корхонаси директори Ў.Тўхтаев ахборот берди. Ахборотчи Ўзбекистон Республикаси телекоммуникация тармоқларининг эксплуатацияси "Ўзбектелеком" АК таркибидаги филиаллар томонидан ишлаб чиқилган чора-тадбирлар режаси асосида амалга оширилаётганини алоҳида таъкидлади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 20 февралдаги "Ўзбекистон Республикаси телекоммуникация тармоқларини бошқариш тизимини такомиллаштиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги 589-қарори билан "Ўзбекистон телекоммуникация тармоқларини бошқариш Республика маркази" ДУК Республика телекоммуникация тармоқларини бошқариш бўйича Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлигининг ишчи органи этиб белгиланган. Шунингдек, ушбу қарор билан марказ зиммасига Ўзбекистон телекоммуникация тармоқларининг автоматлаштирилган бошқариш тизимини яратиш ва унга барча телекоммуникация операторлари ва корхоналар телекоммуникация тармоқларининг бошқарув тизимларини улаш вазифаси юклатилган. Мазкур қарор талабидан келиб чиқиб, бошқариш марказида жорий йилнинг июн ойида ушбу тизим тўлиқ ишга туширилди. Ҳозирги вақтда бу тизимга 13та тармоқ бошқарув тизимлари улашиб тест синовлари олиб борилмоқда. Шунингдек, марказ томонидан автоматлаштирилган бошқарув тизимининг 2-босқичи лойиҳасини амалга ошириш бўйича ҳам тегишли ишлар бошлаб юборилди.

Амалга оширилган ишлар билан бир қаторда, республика телекоммуникация тармоқларини эксплуатациясини ташкил этиш, хизматлар кўрсатиш сифатини янада яхшилаш, тармоқлар ресурсларини бошқариш бўйича ишларни ташкил этишда камчиликлар ҳам мавжуд.

Бугунги кунда ҳаракатда бўлган ва жараёнда бўлган мос келмайдиган 11та метёрий ҳужжатлар тўлиқ қайтадан ишлаб чиқиши долзарб ҳисобланади. Булардан ташқари, қўшимча учта янги метёрий ҳужжат ишлаб чиқиши талаб этилади.

Ҳайъатда қўрилган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.



Биз танлаган йўл

тараққиётнинг юксак марраларига элтади

Учинчи мақола

Ўзбекистонда сайлов ҳуқуқи эркинлигини таъминлаш ва сайлов қонунчилигини ривожлантириш борасида ўзига хос тажриба тўпланганини бугун бутун жаҳон ҳамжамияти тан олмоқда. Чиндан ҳам, фуқароларнинг эркин сайлаш ва сайланиш ҳуқуқини амалга оширувчи демократик андозаларга мос қатор қонунлар қабул қилиндики, натижада халқимизнинг ўз хоҳиш-иродасини эркин ифода этишининг, фуқароларнинг давлат ва жамият бошқарувидаги иштирокини таъминлашнинг мустаҳкам ҳуқуқий кафолатлари яратилди.

Давлат ҳокимияти вакиллик органларига сайловларнинг фақат кўппартиявийлик асосида ўтказилиши, мамлакат Президенти лавозимига, Қонунчилик палатаси депутатлигига номзодлар сиёсий партиялар томонидан, маҳаллий Кенгашлар депутатлигига номзодлар эса сиёсий партияларнинг жойлардаги тегishли органлари томонидан кўрсатилиши тўғрисидаги принципиал қоида қатъий белгилаб қўйилгани, сайлов кампанияси жараёнига давлат ва ҳокимият тузилмалари, жамоат бирлашмалари томонидан аралашушга қаратилган ҳар қандай уриниш қонун билан тақиқлаб қўйилгани сайловларга оид мукамал қонунчилик базаси яратилганидан далолатдир.

Президентимиз томонидан ишлаб чиқилган Концепцияга мувофиқ, “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси сайлов тўғрисида” ва “Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов тўғрисида”ги қонунларга демократик анъаналарни жорий этувчи яна янги ўзгариш ва қўшимчалар киритиш таклифи этилаётгани эса мамлакатимизда сайлов эркинлиги ҳуқуқий принципининг тўлиқ жорий этилиши ва сайлов тизимининг янада демократлашувига хизмат қилади.

Фуқаролик жамияти институтларини шакллантириш ва ривожлантириш биз ўз олдимизга қўйган стратегик мақсадлардан биридир. Шунинг учун ҳам, кейинги йилларда аҳоли кенг қатламлари қўллаб-қувватлайдиган турли хил фуқаролик жамияти институтлари, нодавлат-нотижорат ташкилотларини жадал суръатларда шакллантириш ва ривожлантиришга



алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бош Қомусимизда нодавлат-нотижорат ташкилотлари фаолиятига доир асосий тамойилларнинг мустаҳкамлаб қўйилгани натижасида бугунги кунда мамлакатимиз миқёсида 5100 дан зиёд нодавлат-нотижорат ташкилотлари эмин-эркин фаолият юритмоқда ва бу кўрсаткич 2000 йилга қараганда 2,5 баробарга кўпайган.

Президентимиз таъкидлаганидек, фуқаролик жамияти институтлари, нодавлат-нотижорат ташкилотлари ҳозирги кунда демократик қадриятлар, инсон ҳуқуқ ва эркинликлари ҳамда қонуний манфаатларини ҳимоя қилишнинг муҳим омилига айланмоқда, фуқароларнинг ўз салоҳиятларини рўёбга чиқариши, уларнинг ижтимоий-иқтисодий фаоллиги ва ҳуқуқий маданиятини ошириш учун шароит яратмоқда, жамиятда манфаатлар мувозанатини таъминлашга кўмаклашмоқда. Бу соҳани ривожлантиришга қаратилган 200дан ортқ қонун ҳужжатларининг қабул қилиниши жамоатчилик ва фуқаролик назорати институти жамиятнинг давлат билан ўзаро самарали алоқасини таъминлашнинг муҳим

воситаларидан бири эканига яққол мисолдир.

Фуқаролик жамияти институтларининг янада ривожланишига эришиш, амалга оширилаётган ислохотларнинг очиқ-ошкоралиги ва самарадорлигини таъминлашда уларнинг ролини кучайтириш мақсадида Концепцияда “Ижтимоий шериклик тўғрисида”ги, “Ўзбекистон Республикасида жамоатчилик назорати тўғрисида”ги қонунларни ишлаб чиқиш ва қабул қилиш, соҳага дахлдор бошқа бир қатор қонун ҳужжатларига тегishли ўзгариш ва қўшимчалар киритиш таклифи билдирилаётгани юртимиз тараққиётининг ҳозирги босқичида нодавлат-нотижорат ташкилотлари ва бошқа фуқаролик институтлари ролини янада кучайтириш, фуқаролик жамиятини ривожлантиришда муҳим аҳамият касб этиши, шубҳасиз.

Демократик бозор ислохотларини ва иқтисодий либераллаштиришни янада чуқурлаштириш мамлакатимизда олиб борилаётган иқтисодий ислохотларнинг самарасини таъминлашда асосий омил ҳисобланади. Юртимизда тadbиркор ва ишби-

лармонларнинг эмин-эркин фаолият юритишлари учун яратиб берилаётган қонуний имконият ва имтиёзлар, қулай инвестициявий муҳит туфайли жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозининг салбий оқибатларини бартараф этиш ва барча соҳаларда иқтисодий ўсиш суръатлари таъминланмоқда.

Юртбошимиз ўз матрузасида бу соҳадаги ишларни янада юқори босқичга олиб чиқишнинг аниқ ва равшан йўлларини кўрсатиб ўтди. Хусусан, ҳолисона таҳлил, ислохотларимизнинг мантиқи ва изчиллиги, уларнинг энг замонавий бозор нормаларига мувофиқлигини баҳолаш иқтисодийни бошқариш тизимини янада чуқурлаштириш, такомиллаштириш ва либераллаштиришга йўналтирилган қонунчиликни янада такомиллаштириш юзасидан қатор таклифлар билдирилди.

Умуман, Президентимиз томонидан жуда мукамал тарзда ва эртанги истиқболни кўзлаб ишлаб чиқилган мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепцияси Ўзбекистонни ислохот этиш ва модернизация қилиш борасида қарийб 20 йил олдин бошланган жараёни давом эттириш бўйича Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси томонидан узоқ муддатли аниқ ҳаракат дастурини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш учун мустаҳкам асосдир. Зеро, ҳар биримиз учун Ватан, эл-юрт манфаатлари ҳар нарсадан устун экан, бу йўлда бир ёқадан бош чиқариб, аҳилликда ва ҳамжихатликда фаол ҳаракат қилсак, кўзлаган эзгу мақсадларимизга, юксак марраларга албатта эришамиз.

Шухрат ДЕҲҚОНОВ,
Ўзбекистон Республикаси Олий
Мажлиси Қонунчилик палатаси
депутати

Қизиқарли семинар

UZINFOCOM марказида “Давлат бошқаруви тизимида ахборот технологияларини ривожлантиришнинг ўрни ва аҳамияти” мавзuida ўқув семинари бўлиб ўтди. Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги билан ҳамкорликда ташкил этилган ушбу тadbирда 14та вазирлик ва бта турли марказлар вакиллари иштирок этдилар.

Семинарнинг асосий мақсади республикамиз ва хорижий мамлакатлар давлат бошқарувида замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш ва ривожлантиришнинг янги йўналишларини кўриб чиқиш ҳамда бу борада иштирокчилар билан ўзаро фикр ва тажриба алмашишдан иборат бўлди.

Тadbирда марказ мутахассислари АКТ соҳасида меъёрий-ҳуқуқий база, Ўзбекистон Республикасининг Ҳукумат портали, давлат органларининг сай-

тлари ва уларни такомиллаштириш, электрон ҳукумат, давлат ахборот ресурслари ва тизимлари ва бошқа мавзуларда тақдиротлар билан иштирок этдилар.

Семинарда вазирлик ва марказлар веб-саҳифалари ҳар томонлама кўриб чиқилди. Бундан ташқари, марказ мутахассислари томонидан иштирокчилар учун веб-саҳифаларни яхшилаш, уларнинг самарадорлигини ошириш ва интерактив хизматлар сифатини ошириш бўйича бир қатор амалий тавсиялар ва маслаҳатлар берилди.

Матрузачилар томонидан республикамизда кейинги йилларда АКТни давлат бошқарувида жорий этиш жадал суръатлар билан амалга оширилаётганлиги, деярли барча давлат органлари ўз веб-саҳифаларига эга эканлиги, ушбу веб-саҳифалар орқали кўрсатилаётган интерактив давлат хизматларининг сони йилдан-йилга ортаётганлиги, давлат органларида электрон ҳужжат айланиши ҳамжи ошётганлиги ва электрон рақамли имзодан фойдаланиш оммавийлашаётганлиги алоҳида қайд этиб ўтилди.

Тadbир қизиқарли ва самарали равишда ўтди. Иштирокчилар АКТни давлат бошқарувида жорий этиш бўйича ўз тажриба ва фикрлари билан ўртоқлашдилар ҳамда бу борада фикр алмашидилар.

Семинар якунида марказ мутахассислари иштирокчиларнинг кўплаб саволларига жавоб бердилар.

Тadbиркор бўлай десанг

Бобур номидаги Андижон вилоят ахборот-кутубхона марказида Кичик бизнес ва хусусий тadbиркорлик йили Давлат дастури ижросини таъминлаш мақсадида Савдо-саноат палатаси Андижон вилояти ҳудудий бошқармаси ҳамда вилоят Халқ таълими бошқармаси тасарруфидаги Кичик ва ўрта бизнес коллежи ўқувчилари билан ҳамкорликда “Тadbиркор бўлай десанг” мавзусида давра суҳбати ўтказилди.

Давра суҳбатида Савдо-саноат палатасидан ташриф буюрган Экспортга кўмаклашиш, кўргазмалар ўтказиш, чет эл мини технологияларини жалб қилиш бўлими бош мутахассиси Нодирахон Абдулхамидова соҳа бўйича хусусий тadbиркорларга кўрсатилаётган ёрдам, тadbиркорлик билан шуғулланувчи шахсларнинг иш фаолияти бўйича керакли ахборотларни берди. Тadbирда қатнашган талабалар ўзларини қизиқтирган саволларга мутахассислардан керакли жавобларни олдилар.

Д.КАРИМОВА,
Бобур номидаги Андижон вилоят
АКМ 1-тоифали кутубхоначиси

"Барча ёзгу ниятларимизнинг марказида фарзандларимизни ҳам жисмоний, ҳам маънавий жиҳатдан соғлом ва баркамол қилиб ўстириш, уларнинг бахту саодати, фаровон келажагини кўриш, дунёда ҳеч кимдан кам бўлмайдиган авлодни тарбиялаш орежаси туради".

Ислом КАРИМОВ

(Давоми. Бошланиши 1-бетда.)

Бу борадаги кенг қўламли ишларни амалга оширишда спортни оммалаштиришга катта эътибор қаратилмоқда. Болалар спортга эътибор намунаси сифатида Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ҳузурида тузилган Болалар спортини ривожлантириш жамғармасини алоҳида тилга олиш мумкин. Бугун мамлакатимизнинг қай бир гўшасига борманг, халқаро андозаларда жиҳозланган спорт мажмуаларини кўриб, баҳридилнингиз яйрайди. Болалар ўзлари истаган спорт тўғрақларида шуғулланишмоқда. Ваҳоланки, илтари ҳатто катта шаҳарларда ҳам спорт иншоотлари бармоқ билан санарли эди. Қишлоқларни-ку, айтмасам ҳам бўларди. Оддий қишлоқ боласи шароит ваҳидан ота-онасига мен келажакда футболчи бўламан, мен шахматчи бўламан, дейишга истиҳола қиларди. Ҳозир-чи? Болалигимизда ҳақиқий футбол тўпини кўриб дўппимизни осмонга отардик, мустақиллик даври фарзандлари эса халқаро майдонларда юртимиз байроғини баланд кўтариб, малҳиямизга жўр бўлишарди. Халқаро мусобақаларга спортчиларимиз шунчаки иштирок этиш учун эмас, балки голибликка даъвогар сифатида боришлари оддий ҳолга айланиб улгурди. Улар бунга ҳаққи. Чунки биз мустақилмиз, ўз кучимизга ишонамиз, имкониятлар ҳам, шароитлар ҳам бизда етарли.

Матълумки, алоқа ва ахборотлаштириш соҳаси ходимлари ўртасида ҳар йили соҳа минни-футбол кубоги, туманлардан тортиб республика босқичигача ўз ичига олувчи турли спартакиадалар ўтказилапти. Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги Ҳайъати ва Республика алоқа ходимлари касаба уюшмаси марказий кенгаши раёсатининг 2011 йил 29 апрелдаги қўшма қарорига биноан 2011 йил соғломлаштириш мавсумининг биринчи босқичи давомида мамлакатимиз мустақиллигининг 20 йиллигига бағишлаб илк мартаба Болалар олимпиадаси ташкиллаштирилди. Кувонарлиси, алоқачилар фарзандларини жисмонан баркамол, маънан етук инсонлар сифатида воёга етказиш, жисмоний тарбия ва спортни уларнинг кундалик турмуш тарзига айлантириш каби ёзгу мақсадларга хизмат қилувчи бу тадбирни анъанавий йўлга қўйиш режалаштирилган.

Биринчи болалар олимпиадасига Тошкент вилоятининг Бўстонлиқ туманида жойлашган "Алоқачи" болаларни соғломлаштириш оромгоҳи мезбонлик қилди. "Кичик олимпиада"да Тошкент шаҳри, вилоятлар ва Қорақалпоғистон Республикасининг 14 жамоа 12 ёшдан 14 ёшгача бўлган 13 нафар аъзоси ва бир нафар етакчиси билан қатнашди. Олимпиада очилишига беш кун қолганда жамоаларнинг оромгоҳга келиши бошланди.

Олдинда ҳаммани ҳаяжонли дамлар кутарди. Бир томондан ёзги таътилни ўзгача ўтказиш, янги дўстлар орттириш иштиёқи, яна бир томондан узоқда қолган ота-она соғинчи-ю бўлажак мусобақалар арафасидаги ҳаяжон ҳеч кимга тинчлик бермасди. Аммо, кўп ўтмай бу таътиллarning барчаси ортда қолди. Мусавфо тоғ ҳавосидан бирга нафас олиб, муздек сувда чўмилиб, қуёшнинг

БИРИНЧИ БОЛАЛАР ОЛИМПИАДАСИ:

ЁШЛИК ВА



Қорақалпоғистонликлар — Биринчи болалар олимпиадаси голиби!

заррин нурларида тобланган болалар тезда иноқлашиб кетишди.

— Очиғи, бу ерга келишдан аввал бизга бунчалик катта эътибор берилди деб ўйламагандим, — дейди Тошкент вилояти терма жамоаси етакчиси, "Ўзбекистон почтаси" ОАЖ Тошкент филиали кадрларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш бўлими етакчи муҳандиси Нодири Дусманова. — Оромгоҳда болаларнинг мароқли дам олиб, мусобақаларда кўнғилдагидек иштирок этишлари учун яратилган шароитлар бизда катта таассурот қолдирди. Ҳар бир бола доимий назоратда, шу ўринда оромгоҳ тарбиячиларининг иш усулларига қўйил қолдим. Улар болаларнинг ҳар бир дақиқадан унумли фойдаланиши учун бор имкониятларини ишга солишди, турли интеллектуал, дунёқарашни шакллантирувчи ўйинлар ўтказиб болаларимизни зериктириб қўйишмади. Қизиқарли театрлаштирилган томошалар ташкил этилди.

22 июн. Мусобақаларга старт берилди. Болалар олимпиадаси низомига кўра, иштирокчилар спортнинг шахмат, шашка, стол тенниси ва мини-футбол турлари бўйича куч синашди. Шахмат, шашка, стол теннис баҳсларида ҳар бир жамоадан олти нафардан ўғил-қиз, мини-футбол йўналиши-

да етти нафардан ўғил болани жамлаган жамоалар курашга киришди. Ҳар бир спорт тури учун алоҳида қўрға ташланиб, баҳслар аввалига гуруҳларда, сўнгра чорак финал ва ярим финал, учинчи ўрин учун ва финалда голиблик учун давом эттирилди.

Шахмат

Қизлар. Ўз гуруҳларида юз фоизлик натижа кўрсатган Андижон, Қорақалпоғистон, Фарғона ва Бухоро вилоятлари шахматчилари, шунингдек, иккинчи ўринни банд этган Самарқанд, Тошкент шаҳри, Сирдарё ва Навоий вилоятлари спортчилари чорак финалга йўлланма олишди.

Пойтахтлик Диёра Ортиқова андижонлик рақибасини енгиб ярим финалга чиққан бўлса, унинг бўлажак рақибаси Фарғона-Навоий жуфтлигида аниқланди. Бу баҳсда фарғоналик Севара Исмоилованинг омади чопди. Кейинги жуфтликларда эса қорақалпоғистонлик ва бухоролик спортчилар ўз маҳоратларини намойиш этиб ярим финалда учрашадиган бўлди.

Ярим финалдан сўнг шахмат тожи учун курашадиган спортчилар номи аниқ бўлди. Эътиборли томони, уларнинг иккаласи ҳам ўйинларни бир гуруҳда бошлашганди. Диёра Ортиқова ва қорақалпоғистонлик Маҳим Ораз-

муҳамедова ўртасида кечган қизиқарли баҳсда омад пойтахтлик спортчи томонда бўлди ва у Болалар олимпиадасининг олтин медалини қўлга киритди. М.Оразмуҳамедова кумуш медал, С.Исмоилова бронза медалга сазовор бўлишди.

Ўсмирлар. Гуруҳ учрашувларида қизлар ўртасидаги беллашувлардаги каби деярли бир хил натижа қайд этилди. Фақат кейинги босқичга сирдарёликлар ўрнига сурхондарёликлар йўлланма олишди. Чорак финални ўз фойдаларига яқунлаган Самарқанд, Бухоро, Фарғона ва Қорақалпоғистон терма жамоалари шарафини ҳимоя қилган ёш шахматчилар ярим финалга чиқибди. Турнир голиби Абдуворис Хуррамов (Самарқанд) ва Жўрабек Рустамов (Фарғона) ўртасидаги учрашувда аниқланди. Фарғоналик шахматчи Биринчи болалар олимпиадасининг чемпиони деган шарафга сазовор бўлди. Абдуворис Хуррамов иккинчи, қорақалпоғистонлик Сардор Пардабоев учинчи погонани банд этди.

Шашка

Ҳеч муболағасиз айтиш мумкинки, шашка — ҳақиқий болалар спорти. Бир қарашда олдий кўрингани билан зериктириб қўймайди, ҳамма учун тушунарли ва ўзига яраша сир-асрорлари бор.



Кимнинг шохи кучли?




Завқли онлар...



Хал қилувчи паллалар.

ШИЖОАТ КУРАШИ



Хужум.

Биргина хато ўйин тақдирини ҳал қилиши ҳеч гап эмас. Болалар олимпиадаси шашка турнири ҳам бундан мустасно эмас, қизиқарли курашларга бой ўтди.

Қизлар. Гуруҳ беллашувларини муваффақиятли яқунлаган Тошкент шаҳри, Қашқадарё, Жиззах, Бухоро, Фарғона, Навоий, Хоразм вилоятлари ва Қорақалпоғистон Республикаси жамоалари мусобақаларни давом эттириш ҳуқуқини қўлга киритишди. Ярим финалда эса Қашқадарё, Жиззах, Навоий вилоятлари ва Тошкент шаҳри вакиллари йўлланма олдидлар. Сўнгги тўрт ўйин ғолиб ва совриндорлар номига ойдинлик киритди. Демак, ярим финалда қашқадарёлик рақибасидан устун келган Дилафрўз Абдуллаева (Жиззах) финалда пойтахтлик тенгдоши Шаҳзода Садриддиновани енга олди ва ўз жамоасининг ягона олтин медали соҳибасига айланди. Пойтахтлик спортчи кумуш медал, Зилола Раҳмонова (Қашқадарё) бронза медал билан тақдирланди.

Ўсмирлар. Болалар олимпиадаси буюхорлик Жаҳоҳир Бобоқулов учун ҳам эсдан чиқмас онларни ҳаёда этди. Ўз гуруҳида андижонлик ва хоразмлик тенгқурлари билан беллашган Жаҳоҳир кейинги босқичларни ҳам муваффақиятли яқунлаб финалда қадар етиб бор-

ди. Финалдаги рақибни эса худди ўзи каби рақибларига ҳеч қандай имконият қолдирмаган қорақалпоғистонлик Азамат Алламуратов бўлди. Муросасиз баҳсни ўз фойдасига яқунлай олган буюхорлик спортчи жамоасига қимматли очколарни туҳфа этди ва олтин медал соҳиб бўлди. Азамат Алламуратов иккинчи, наманганлик Халилulloҳ Абдукаримов учинчи ўринни эгаллашди.

Стол тенниси

Стол тенниси қорақалпоғистонликларнинг энг сеvimли спорт турларидан эканлигига "Кичик олимпиада" чоғи амин бўлди. Улар бу спортга хос бўлган эччиллик, аниқлик, совуққонлик борасида тенгдошларига ҳеч қандай имконият қолдиришмади ва турнир якунида ҳар иккала йўналишда ҳам мутлақ чемпион бўлишди.

Қизлар ўртасида Гулзира Абенова биринчи, наманганлик Ҳилола Улуғ-ўжаева иккинчи, сирдарёлик Сурайё Шарипова учинчи ўринни эгаллади.

Ўсмирлар баҳсида эса кучли учликка Мийрибек Бектурганов, Рустам Каримов (Самарқанд) ва Шаҳзод Инзом-хўжаев (Тошкент шаҳри)лар киришди.

Мини-футбол

Тўғриси, Болалар олимпиадасига борарканмиз алоқачиларнинг фарзандлари майдонда қандай тўп суриш-

лари бизни кўпроқ қизиқтирарди. Маълумки, Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги ва Алоқа ходимлари касаба уюшмаси марказий кенгаши кубого учун ўтказиладиган мини-футбол учрашувлари доимо муросасиз баҳсларга бой бўлади ва кўпинча кубок пойтахт жамоаларига насиб этади. Демакки, болалар ўйинларида ҳам шунга ўхшаш ҳолатни кузатарканмизда, деган ўй-хаёл биздан йироқ эмас эди. Спартакиада яқунланадиган 26 июн кунини оромгоҳга етиб борганимизда финалга чиққан икки жамоа номи аниқ бўлиб улгурган экан. Бу Андижон ва Сурхондарё жамоалари эди.

Ўйин худди ўсмирлар ўртасида Мексикада ўтаётган футбол бўйича жаҳон чемпионатидаги каби 15.00да бошланди. Фарқи бизда жазирама эмас, аксинча, ёқимли тоғ шабадаси эсиб турар, ахён-ахёнда бир тўда булутлар соябон каби куёшни тўсиб қоларди.

Катталар ва болалар футболини қиёслашда давом этамиз. Ўша шиддат, ўша иштиёқ, майдоннинг ҳар бир қари-чи учун кураш — Болалар олимпиадаси дастуридан ўрин олган мини-футбол турнирининг финалида буларнинг барига гувоҳ бўлдик. Сурхондарёликлар кўпроқ узоқдан берилган аниқ зарбаларга таянишган бўлса, андижонлик болалар

лар комбинацион ҳужумлар, бир-бирларини қўллаш орқали рақиб дарвозасига йўл излашди. Майдондаги ҳакам Шавкат Муҳитдинов биринчи тайм ту-гаанлигини билдирувчи ҳуштакни чалганда ҳисоб 1:1 кўринишига келганди.

Футбол — жамоавий ўйин, ўйинчилар ягона мақсад сари жипс бўлиб интилишса ўз самарасини бериши аниқ. Иккинчи таймда андижонлик болалар кетма-кет ҳужумлар уюшти-риб, рақиб дарвозаси тўрига яна ик-кита тўп жойлашди. Сурхон воҳаси ва-килларининг иккинчи тайм охирилари-даги ҳужумлари самара бермади. Яку-ний ҳисоб: Андижон — Сурхондарё — 3:1. Андижонлик ёш футболчилар Бо-лалар олимпиадасининг биринчи чем-пионлари сифатида тарихга киришди. Кумуш ва бронза медаллар Сурхон воҳаси ва Оролбўйи болаларига топ-шириладиган бўлди.

— Болаларимиз майдонга фақат гала-ба учун тушишганди ва биринчи таймда яхши ўйин кўрсатишди, — дейди Су-рхондарё терма жамоаси етакчиси, Тер-миз шаҳар почта алоқаси тармоғи бош-лиғи Чори Ҳайитов. — Иккинчи таймда эса бизга омад етишмади, ўйинчилари-мизнинг кўплаб зарбалари дарвоза тўси-нига тегиб қайтди. Шундай бўлса-да, яку-ний ҳисобдан унчалик ҳам ранжимадик, бутунги тажрибамиз келгусида ўз сама-расини беришига умид қилиб қоламиз.

26 июн кунини Болалар олимпиадаси-нинг ёпилишига бағишланган тантана-ли маросим ўтказилди.

Маросимда Ўзбекистон алоқа ва ах-боротлаштириш агентлиги Бош дирек-торининг биринчи ўринбосари А.Ишанходжаев, Ўзбекистон алоқа хо-димлари касаба уюшмаси марказий кен-гаси раиси Т.Тешабоевлар қатна-шиб, ғолиб ва совриндорларни эриш-ган натижалари билан табриклашди.

Шундан сўнг ҳомий ташкилотлар ҳар бир жамоага ўз совғаларини ҳаёда эттишди.

Ҳар бир спорт тури бўйича фахрли ўринларни эгаллаган жамоаларга ме-даллар топширилди. Болалар олимпиа-дасида умумжамоа ҳисобида бирин-чи ўринни қорақалпоғистонлик ёш спортчилар эгаллашди. Иккинчи ва учинчи ўринлар фарғоналик ва пой-тахтлик спортчиларга насиб этди. Бу уч жамоага Олимпиаданинг кубокла-ри топширилди.

Болалар олимпиадаси ниҳоясига етди. У ёш қалбларда мангу муҳрланиб қолиши аниқ. Чунки, у энди анъана-вий ўтказиб борилади.

Собит АҲАДОВ,

«Хабар»нинг махсус мухбири

Заседание координационной комиссии

Состоялось заседание Межведомственной координационной комиссии Кабинета Министров Республики Узбекистан по совершенствованию и повышению эффективности информационной деятельности и передачи данных.

На заседании в соответствии с постановлением Кабинета Министров Республики Узбекистан «О мерах по обеспечению эффективного использования радиочастотного спектра в области телерадиовещания» от 20 декабря 2004 года был проведен конкурс по распределению радиочастот на конкурсной ос-

нове и выдаче индивидуальных лицензий на ведение деятельности в сфере телерадиовещания.

На конкурсе были рассмотрены заявки по 3 телерадиочастотам в Ургенче и Наманганской области и 2 радиочастотам в Ташкенте, определены победители.

Комиссия рассмотрела заявления на получение лицензий,

поданные хозяйствующими субъектами, оказывающими услуги в области распространения телепередач и передачи информации.

На заседании также был рассмотрен ряд вопросов по деятельности комиссии, приняты соответствующие решения.

Uza.uz

«Радость всех невинных глаз
— Всем на диво! —
В этот мир я родилась —
Быть счастливой...»

Время поздравлять!

Туленовой Гульмире Жандаровне — заведующей кафедрой философии ТУИТ исполняется 50 лет!

Дочь известного академика — Туленова Жандара Туленовича и доцента Туленовой Носиры Шокаримовны с честью продолжает путь своих родителей как руководитель, педагог и научный деятель. Залогом творческих побед Гульмиры Жандаровны, безусловно, является правильно выбранная профессия, большой и упорный многолетний труд, который привел её к степени доктора философских наук.

Как научный деятель она является автором нескольких монографий, принимает активное участие в научной жизни республики, печатается по актуальным проблемам молодежи и уже имеет своих учеников. И ещё — она первый доктор философских наук, женщина в ТУИТ!

Гульмира Жандаровна заведует кафедрой более 10 лет (с начала это была кафедра «ТПСДО», а теперь «Философия») и высокий рейтинг кафедры в университете является показателем эф-

фективности руководства, что неоднократно отмечалось администрацией университета и УзАСИ. Она была награждена нагрудным знаком «Уз касбининг устаси», грамотой и премиями. На наш взгляд Гульмиры Жандаровны являет собой прекрасный пример современного руководителя. Эти организаторские способности она проявляет и в учебном процессе, читает лекции на высоком профессиональном уровне, проводит семинары с использованием различных инновационных методов, за что и пользуется огромным авторитетом у студентов. В работе с ними она требовательна, потому что требовательна к себе, предельно добросовестна и справедлива.

Гульмира Туленова человек с чутким сердцем, открытой душой и вместе с тем она прекрасная жена, любящая мать и верная подруга.

Мы, её коллеги по кафедре, желаем ей здоровья, творческих удач и успехов, исполнения заветных желаний. Пусть никогда не кончится вдохновение творить добрые дела!

Коллектив кафедры «Философии» ТУИТ

НОВОСТИ В СФЕРЕ ИКТ

Twitter покидает один из основателей



37-летний Кристофер Айзек «Биз» Стоун (Biz Stone), один из основателей Twitter, решил покинуть сервис микроблогов.

В сообщении г-на Стоуна говорится, что он проработал с командой Twitter более пяти лет, но сейчас пришёл к выводу, что настало время заняться другими «специфическими проектами». Впрочем, г-н Стоун обещает и впредь оказывать поддержку «Твиттеру».


Каждый день в мире

подключается более полумиллиона Android-устройств

В это число включены смартфоны, планшеты и другие устройства, около 300 тысяч из них — смартфоны. В среднем рост показателя составляет 4,4% в неделю.

В начале 2011 года корпорация Google сообщила о 300 тысячах подключаемых Android-устройств в день, 400 тысяч ежедневных активаций было в мае.

Google запускает конкурента Facebook



Крупнейший поисковый сервис Google запустит собственную социальную сеть. Компания явно намерена потягаться с Facebook, которая на сегодняшний день является самой популярной соцсетью, насчитывающей 750 млн. пользователей.

Сеть Google+ будет запущена, как ожидается, в самое ближайшее время. Однако все желающие в ней зарегистрироваться не смогут. На начальном этапе для этого потребуются специальное приглашение.

Google+ позволяет пользователям обмениваться фотографиями, сообщениями и комментариями. Помимо традиционных для соцсети функций есть и нововведения. В нее интегрированы некоторые существующие сервисы Google, например карты. Кроме того, в новой соцсети будет работать видеочат.



В МОБИЛЬНЫХ КОМПАНИЯХ

БАНК «ИПАК ЙЎЛИ» ВЫБРАЛ ИНТЕГРИРОВАННЫЕ РЕШЕНИЯ «BEELINE BUSINESS»

«Beeline Business» (ООО «Unitel» и СП «Buzton») выбран поставщиком интегрированных услуг для Открытого акционерного инновационного коммерческого банка «Ипак Йўли». Это первый клиент, подключившийся к уникальной услуге «Интегрированный VPLAN» (Virtual Private Local Area Network — виртуальная частная сеть передачи данных).

«Ранее данный сервис был разделен в соответствии с используемыми технологиями, и представлял собой либо фиксированную, либо мобильную сеть передачи данных, — комментирует событие коммерческий директор по развитию корпоративного бизнеса «Unitel» Эркин Ачидиев. — Благодаря объединению «Unitel» и «Buzton» «Билайн» может предоставлять клиентам интегрированные решения и пакетные предложения. Мы ценим инновационный подход банка «Ипак Йўли», первым внедрившего у себя нашу новую разработку».

Среди преимуществ услуги «Интегрированный VPLAN» помимо формирования единой корпоративной сети передачи данных по всему Узбекистану стоит отметить резервирование опорных участков сети, построенных на проводных технологиях, удаленный доступ к сети сотрудников, находящихся вне офиса, а также охват труднодоступных объектов.

UCCELL ПРЕДЛАГАЕТ НОВЫЕ ПАКЕТЫ СО СМАРТФОНАМИ SAMSUNG

Оператор мобильной связи Ucell провела совместную пресс конференцию, посвященную началу партнерства компании с Samsung Electronics — одним из ведущих мировых производителей мобильных устройств и бытовой электроники.

Как известно, 16 июня 2011 года в честь изменения своего корпоративного бренда Ucell представил широкой публике множество новых привлекательных предложений, включая пакеты «Маргилан» и «Семург». Это первые в своем роде пакеты на рынке Узбекистана, осуществленные в сотрудничестве с Samsung Electronics. На пресс конференции представители Ucell, Samsung Electronics и официальной группы разработчиков Google TUG предоставили подробную информацию о новых пакетах, смартфонах Samsung предлагаемых в рамках пакетов, а также операционной системе Android.

«Для нас большая радость стать партнерами такого всемирно признанного производителя мобильных устройств, как Samsung, — отметил г-н Огуз Меммиповен, генеральный директор Ucell. — Ucell всегда стремится предлагать самые современные и качественные мобильные устройства для своих абонентов и наше партнерство с Samsung служит еще одним подтверждением этому».

«Мы очень рады, что начали данный проект именно с Ucell. Как всем известно, Ucell ведет очень активную деятельность в Узбекистане и ставит большие цели перед собой, как и наша компания Samsung Electronics. Для нас честь сделать этот первый шаг вместе с Ucell с целью предложения качественных и приемлемых по цене устройств и услуг для народа Узбекистана, — отметил г-н Тэхан Ким, глава представительства компании «SAMSUNG ELECTRONICS CO. LTD.» в Узбекистане.

Пакет «Маргилан» включает в себя смартфон Samsung Galaxy S I9003 (Latona) с операционной системой Android 2.2 (Froyo). Данный смартфон имеет пятимегапиксельную камеру с автофокусом, Super Clear LCD дисплей 480x800 пикселей размером 4 дюйма, а также обладает всеми коммуникационными возможностями — Wi-Fi, Bluetooth, GPS и другими.

Кроме этого, абонент получает SIM-карту с любым на выбор, открытым для подключения тарифным планом системы Prepaid и бонус в виде \$200 на счет. Бонусы можно тратить на внутрисетевые звонки, SMS и MMS по Узбекистану и на услугу Ucell Internet. Срок действия бонусов 30 дней со дня подключения. Стоимость пакета — 1 249 000 сум.

Хабарлар +tv

УЗБЕКИСТОН

05.55 Кўрсатувлар дастури.
06.00 "Ассалом, Ўзбекистон!"
7.00 "Илк эртани", Т/с.
8.00 "Тахдидлар".
8.45 - 9.45 "Майянинг" дастури.
09.45 "Содди оғ", М/ф.
10.00 "Қабибанинг ишчи", Т/с
(Яхшундеги қисм)
10.40 "Саломатлик сирлари".
11.00 "Ахборот".
11.10 "Ўқувчи", Т/с.
12.00 "Ассалом, Ўзбекистон!"
12.50 "Қўнғил қўнқ истайди".
13.00 Миллий кино: "Йилда".
14.00 "Ахборот".
14.20 "Ватанпарвар".
15.00 "Иқлим".
15.05 Жаҳон мусориси хазинасида.
Г. Доннелли. "Ўқувчи де Ламмер-мур". 1-қисм.
16.05 "Худудлар ҳаёти".
16.20 "Ватан манзиллари".
16.40 "Ўзбекистон табиати".
17.00 "Ахборот".
17.15 "Ойил су".
17.55 "Иқлим".
18.00 "Қўнғил қўнқ истайди".
"Болалар сайёри".
18.05 "Эртанилар - ахшишқоқ қовлар".
18.25 "Сўнги қиролчи", Т/с.
19.20 "Корачик".
19.20 ТВ - шифор".
19.25, 20.00, 20.25 Ўқувчи.
19.30 "Ахборот" /рус/.
20.10 "Ўқувчи мерос".
20.20 Миллий сериал: "Умр манзиллари".
21.00 "Ахборот".
21.40 Ўзбекистон Республикаси мушкетерлигининг 20 йиллиги.
"Қазақстан пойдеву".
22.05 "Шимол ва жауаб", Т/с.
22.55 "Иқлим".
23.00 "Биз полициясиниз", Т/с.
23.45 - 23.50 "Ўқувчи".
23.50 Кўрсатувлар дастури.
23.55 "Корачик".
00.15 Ойил су.
00.55 "Қўнғил қўнқ истайди".
1.00 "Ахборот" /рус/.
1.35 - 2.15 "Майянинг" дастури.
2.15 "Ватан манзиллари".
02.55 "Ўқувчи мерос".
03.10 "Ассалом, Ўзбекистон!"
4.00 "Ахборот".
04.35 Миллий сериал: "Умр манзиллари".
05.10 "Иқлим".
05.15 "Қўнғилнинг бирда".
05.30 "Ўзбекистон табиати".
05.50 - 05.55 "Ўқувчи".



05.55 "Дастурнинг очилиши".
06.00 "Муҳаббатнинг дун".
06.30 "Yoshlar-FM".
07.00 "Рўзгор мактаби".
07.40 "Ёшлик навоилари".
08.00 Миллий сериал: "Мехмонжонлардан айланай".
08.40 "Сирли ўрмонда".
09.10 "Мушкетерлар".
09.20 "До-ми-соль".
09.50 "ЎзЕх".
10.00 "Давр ҳафта ичида".
10.30 "Осиё", Т/с.
11.20 "Қамолот-инфо".
11.40 "Ёшлик навоилари".
12.00 "Қирғизча", Т/с.
12.50 "Ўзбекистон сўзлари".
13.00 "Давр".
13.10 "Ўқувчи мактаби".
14.00 "Миллий мерос".
14.10 "Нусхат нар".
14.50 Миллий кино: "Радио-2".
15.50 "ЎзЕх".
16.00 "Давр".
16.10 Миллий сериал: "Мехмонжонлардан айланай".
16.50 "Миллий мулфиллари".
дазмол, энг кўп ижтимоий-сиёсий нашрларни сотиш номинацияси бўйича ғолиб деб топилган Шаҳзода Ҳайитбоева ҳамда Дилфуза Ҳақимовалар вентилятор билан мукофотланди.

Кўрик-танловда 3-ўринни эгаллаган матбуот дўкони сотувчиси Елена Артемьева ва Маҳмуда Саломовалар 3-даражали диплом ва уяли телефон билан тақдирланишган бўлса, 2-ўрин соҳиблари Забихулло Соатов ва Манзура Шотурсуновалар 2-даражали диплом ва чангпютич билан мукофотланди.

Кўрик-танловда 1-ўринни эгаллаган Мавлуда Худойкулова ҳамда Миркамол Мансуровлар 1-даражали диплом ва рангли телевизор билан тақдирланди.

Тадбирда Қумри Мансурова, Елена Артемьева, Ҳусан Каримов, Манзура Шотурсуновалар ўз дил сўзларини баён этишди.

Тадбир сўнгида Агентлик Бош директори танлов иштирокчиларига яна бир бор мустаҳкам соғлиқ, ишларида ривож, топганларига ба-рака тилади.

Муборак МИРКАМОЛОВА,
"Xabar" мухбири
Мухиддин СОЛИЕВ олган суратлар

Улар тадбиркор бўлишади

Очiq акциядорлик-тижорат "Алоқабанк" раҳбарияти ёшларни қўллаб-қувватлаш, турли танловлар ўтказиш орқали улар иқтидорини юзага чиқаришга ҳаракат қилмоқда. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили муносабати билан республикамиздаги барча олий ўқув юртлари талабалари ва коллежлар ўқувчилари ўртасида эълон қилинган "Талабаларнинг энг яхши инновацион лойиҳаси" танлови ҳам ана шу ҳаракат натижасидир.

— Ушбу танловни ўтказишдан мақсад, — деди танлов ғолибларини эълон қилиш ва тақдирлашга бағишлаб банк бош биносига ўтказилган тадбирда сўзга чиққан "Алоқабанк" бошқаруви раиси ўринбосари Умид Қўқонбоев. — Республикадаги олий ўқув юртлари талабалари ва коллеж ўқувчиларининг инновацион лойиҳаларини молиялаштириш орқали улар олиб борган изланишларни рағбатлантириш ҳамда ёшларни кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликка жалб этишдан иборат. Ушбу танловда юртимиз олий ўқув юртларида ва коллежларда таълим олаётган юз нафардан ортиқ иқтидорли, изланувчан ёшлар иштирок этишди. Танлов ҳайъати томонидан мазкур бизнес-лоийҳаларни баҳолашда саноат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлаш, экспортбоп ёки импорт ўрнини босувчи маҳсулотлар ишлаб чиқариш, янги маҳсулот турларини яратиш ва хизматларни жорий этиш, янги иш ўринлари ташкил қилиш сингари иқти-

содиётнинг устувор йўналишларига эътибор қаратилди.

Шундай қилиб, танлов ғолиблари номи эълон қилинди. Улар "Чикиндилардан сўндирилмаган, майдаланган оҳак ишлаб чиқариш" лойиҳаси муаллифи — Фаргона политехника институти талабаси Умид Исмоилов, "Ўймали полтахта ва қипиқли брикет маҳсулотлари ишлаб чиқариш" лойиҳаси муаллифи — Тошкент Давлат иқтисодиёт университети талабаси Азизхон Неъматхоннов, "Ўй иситиш печларидан электр токи ишлаб чиқариш, замонвий уйларни лойиҳалаш" лойиҳаси муаллифи — Тошкент Давлат техника университети талабаси Хайрулло Қулматов, "Қашқадарё вилоти аҳолиси учун "INFO.UZ" бепул эълонлар газетасини ташкил этиш" лойиҳаси муаллифи — Қарши муҳандислик-иқтисодиёт институти ҳамда ТАТУ талабалари Евгений Имакаев ҳамда Шухрат Жўраев, "Турли ассортиментдаги пойабзал кремлари ишлаб чиқариш" таклифи муаллифи — Самарқанд қишлоқ хўжа-

лиги институти талабаси Ўткир Сайдов, "Сув ўтини ўстиришга ихтисослаштирилган ишлаб чиқариш лабораторияси марказини ташкиллаштириш" лойиҳаси эгаси — Тошкент кимё технологиялари институти талабаси Шавкат Азизов, "Табий маҳсулотлар асосида ранг берувчи моддалар ишлаб чиқариш" ва "Қуёнчиликни йўлга қўйиш" лойиҳалари муаллифи — Бухоро озиқ-овқат ва енгил саноат технологияси институти талабаси Бобур Рустамов ҳамда "Ҳазонларни қайта ишлаш орқали тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш" лойиҳаси муаллифи — Тошкент Давлат иқтисодиёт университети талабалари Жаҳонгир Шукуров ва Бегзод Миршомиловлар эдилар.

Танлов ғолибларини устозлари ва ОАТ "Алоқабанк"нинг ёшлар бошлаган ажойиб лойиҳаларни давом эттиришларида беvosита ёрдам берувчи бўлим бошлиқлари табриклашди ва уларга ижодий баркамоллик тилашди.

— Юртимиз келажаги сизларнинг иқтидор ва ҳаракатингизга боғлиқ, — деди банк касабга уюшмаси қўмитаси раиси Рамиля Сахапова. — Шундай экан, эндиликда мамлакат иқтисодини ривожлантиришга муҳим ҳисса бўлиб қўшилувчи лойиҳаларни амалиётга табиқ этишингиз керак. Шундагина бутун ғолиб деб топилган лойиҳалар аҳамиятли бўлади. Сизлар орқали бизнес билан шуғулланувчи ёшлар сафи янада ортади, деб умид қиламиз.

Тадбир сўнгида ғолибларга сертификатлар топширилди ҳамда ОАТ "Алоқабанк" томонидан грант бериш бўйича шартномалар тузилиши эълон қилинди.

Муборак ИДРИСХЎЖАЕВА

Тошкент ахборот технологиялари университетининг радиотехника, радиоалоқа ва телерадиоэшиттириш факултети декани, Халқаро алоқа академиясининг аъзоси Омонжон Абдуазизов 70 ёшга тўлди.

70-бекат

Омонжон Абдуазизов 1941 йил 22 июнда Тошкент шаҳрида таваллуд топган. 1959-1965 йилларда Тошкент электротехника алоқа институтида таҳсил олди.

Ўз фаолиятини 1965 йилда Тошкент электротехника алоқа институти ассистенти лавозимидан бошлаган О.Абдуазизов, мана 46 йилдирки, илм даргоҳининг бир қатор раҳбарлик лавозимларида — кафедра мудири, факултет декани ва ўқув ишлари проректори лавозимларида меҳнат қилиб, мураббийлик тажрибаси ва куч-ғайратини мамлакатимиз алоқа ва ахборотлаштириш соҳасини ривожлантиришга сарфлаб келмоқда. У ТАТУнинг Илмий кенгаши, Илмий-техника кенгаши, Илмий-услубий кенгаши, Маслаҳатчилар кенгаши ва номзодлик диссертациялари дастлабки муҳокамаси бўйича Илмий Кенгаш аъзосидир.

У ўзининг илмий фаолияти даврида 400га яқин илмий, илмий-услубий мақолалар, ўқув-услубий қўлланмалар чоп этиди ва бир қатор ўқув-услубий қўлланмаларга муҳаррирлик қилди.

О.Абдуазизов томонидан университет талабалари учун “Электр алоқа назарияси” ўқув қўлланмаси ва касб-хунар коллежалари та-



лабалари учун “Радиотехника асослари”, “Радиоузилиш қурилмалари” ўқув қўлланмалари чоп этилган ва ҳозирда бир қатор ўқув қўлланмалари унинг раҳбарлиги ва ҳаммуаллифлигида ЎзААА билан шартнома асосида тайёрланмоқда. ТАТУнинг “Радиотехника ва радиоалоқа” кафедрасида техника фанлари номзоди, доцент О.Абдуазизов бошчилигида ўқув жараёнига замонавий педагогик ва ахборот технологиялари юқори даражада татбиқ этилиди. Кафедрада ўқитиладиган бир қатор фанлардан 50дан ортиқ виртуал лаборатория ишлари ва мультимедия маърузалари яратилди. Виртуал лаборатория ишларини бажариш учун 15та компютердан иборат компютер синфи ташкил қилинди.

TO'YXAT

Талабаларни илмий ишларга жалб этиш, мустақил фикрлаш қобилиятини ошириш, янги ахборот технологиялари билан таништириш мақсадида кафедра қошида “Радиотехника” тўғрагини ташкил қилишда бошчилик қилди. Магистрларнинг магистрлик диссертация ишларини олиб боришларида раҳбарлик қилиб, уларнинг илмий-тадқиқот ишларини амалга оширишда ўз тажрибасини таклиф этиб келмоқда.

Устоз ўз соҳасининг жонкуяр мутахассиси, ғамхўр раҳбар, ташаббускор ташкилотчи, етук инсон сифатида нафақат раҳбарият, балки ҳамкасблар, талабалар ва магистрлар орасида ҳам обрў-эътиборга эга. У ўз умрини, ҳаётини Тошкент ахборот технологиялари университети бахшида этган инсон.

Қадрли Омонжон Абдураҳимович, сизни ҳаётингиздаги унутилмас кун — муборак 70 ёшингиз билан “Радиотехника ва радиоалоқа” кафедраси ходимлари номидан чин дилдан табриқлаймиз. Сизга узок умр, мустақам соғлиқ, оилангизга тинчлик-тоғувлик ва хотиржамлик тилаб, набиралар орзу-ҳавасларини, тўйларини, камолини бағри бутунлиқда, тинчлик-хотиржамликда кўриб юришингизни тилаб қоламиз. Шу билан биргаликда, олий таълим даргоҳида келажақ авлоднинг порлоқ истиқболги йўлида олиб бораётган ишларингизга улкан зафарлар тилаймиз.

ТАТУ “Радиотехника ва радиоалоқа” кафедраси жамоаси

FILIALLAR HAYOTIDAN

Янги китоб тақдироти

Мустақиллигимизнинг шонли 20 йиллик тўйи тантаналари яқинлашгани сари она Ватанимиз босиб ўтган тарихий йўл ва унинг маънавий жасорат соҳиблари ҳақида хикоя қилишга кучли эҳтиёж сезаётимиз. Истеъдодли журналист Набижон Собирнинг яқинда “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси бош муҳарририятида чоп этилган “Фарғоналик қаҳрамонлар” китобчаси ана шу долзарб мавзуга бағишланган.

ТАТУ Фарғона филиалида мустақиллигимизнинг 20 йиллик юбилеи муносабати билан ўтказилган навбатдаги маънавий-маърифий тадбир Набижон Собирнинг ана шу янги китоби тақдироти бағишланди.

Тақдиротда Фарғона вилояти ҳокимининг маънавий-маърифий ишлар бўйича ёрдамчиси З.Раҳимов, ТАТУ Фарғона филиали доценти Н.Усмонов, вилоят театри директори, ёзувчи С.Одилов, “Маънавият” газетаси муҳаррири М.Сулаймонов, фахрий пенсионер ва адиб М.Исломов, Ўзбекистон ёзувчилар уюшмаси Фарғона вилоят бўлими бошлиги шоира Э.Сиддиқова, Зулфия мукофоти совриндори Д.Қўлдошева ва бошқалар китобнинг мазмунини, тили ва услубининг ўзига хослиги, унда Фарғона вилояти тарихи ва бугунги кунини лавҳалари маҳорат билан тасвирлангани хусусида гапирдилар.

Сўзга чиққанлар ҳақли равишда таъкидлаганларидек, бу кўнча заминга юрак кўрини бериб, фидокорона меҳнат қилиб, йиллар шомалида тобланган оловқалб юртдошларимиз ҳақида, уларнинг бунёдкорлик ишлари ҳақида ҳар қанча хикоя қилсак оз. Фарғона чўллари паҳлавони, уста пахтакор Комилжон ака Мамажонов, Қамчиқ

довонининг равон йўллари қурувчиси Улуғбек Умаров, Фарғона нефтини қайта ишлаш заводи механиги Ботиржон Темиров, моҳир наққош, халқ устаси Абдуғани Абдуллаев, болаларнинг сеvimли ўқитувчиси ва мураббийси Манзураҳон Мадалиева, фермерлик ҳадисини олган Патиллоҳон Эргашева ва Юрсинбой Жўраевлар ҳақида бу китоб. Мухими шундаки, муаллиф содда, самимий суҳбат оҳангини танаб, ўз қаҳрамонларининг ҳаёт йўли, оилавий муҳити, ота-оналари, фарзандлари, дўст-биродарлари давларига олиб киради ўқувчини ва натижада кўз ўнгимизда узок йиллар давомида ҳормай-толмай ҳалол-поқ меҳнат қилиб, эл-юрт орасида обрў орттирган, иззат-икром топган заҳматкаш замондошларимизнинг нурли сиймолари намоён бўлади.

Тақдирот ниҳоясида Набижон Собир китоб хусусида самимий муносабатларини билдирганларга миннатдорчилик изҳор этди.

Дилдора ЭШИМОВА,
ТАТУ ахборот технологиялари
факултети 1-босқич талабаси



NISHONDORLARIMIZ

Почтачиларнинг Муҳаррам опаси

Муҳаррам Мирзаева ўнинчи синфни битирибқоч почта алоқаси тармоғига ишга келган эди. У меҳнат фаолиятини оддий телеграфчиликдан бошлаганди. Мана, ўшанга ҳам қирк йилдан ошибди.

Бир муддатдан сўнг уни телефончиликка ўтказишди. Кейинроқ эса операторлик, йўриқчилик ҳам қилди. Қўйингчи, у иш танламади. Бу менинг ишим, сенинг ишинг, деб ўтирмади. Меҳнатига эҳтиёж туғилган жойда “лаббай” деб, ишга киришиб кетаверди. Ёшликка хос бегубор ғайрати, тиришқоқлиги жамоага ҳам ёқиб қолганди.

— Дилкашгина экан, — деди кимдир.

— Киришимли, чаққонгина денг, — деди бошқа бирови.

Раҳбарлар уни қайси участкага ўтказишмасин, у ўша жойнинг одамига айланишга тиришди. Бундай ёшларни ҳар қандай одам ҳам, қани энди, у менинг шогирдим бўлса, дейиши тайин.

Муҳаррамни қайси устага бириктиришмасин, ўша одамнинг оғирини енгил қилишга, меҳрини қозонишга интилиди. Бу фазилатлари унинг тез орала нафақат Бухоро туман почта алоқаси тармоғи, балки соҳанинг юқори идоралари назарига тушишига ҳам омил бўлди. Шу боисми, ишга келганига кўп вақт бўлмаёқ тармоқ бошлигининг ўринбосари лавозимига тайинланди.

Қирк йил бир соҳада меҳнат қилмоқ. Бир умр бир касбининг нонини ҳалоллаб емоқ... Айтишгагина осон!

Мана, йигирма йилдирки, у Бухоро туман почта алоқаси тармоғи бошлиғи. Вилоятдаги кўплаб алоқа ходимларининг устози. Ёшларнинг суюкли опахони.

Опа билан суҳбатлашар эканмиз, у ҳануз бундан ўттиз-қирк йил олдинги ғайрат-шижоатини сақлаб қолганига гувоҳ бўлди. У ҳамон ўша. Серҳаракат, куйди-пишди, тиниб-тинчимас.

Истиқлол шабадалари у ишляётган почта алоқаси тармоғига ҳам тараққиёт ва ўзгаришлар, энг муҳими, меҳнатга муносабатнинг замонавий усул ва услубларини олиб келган эди. 1993 йилда почта биноси қайта қурилди. Янги иншоот, қўлай шарт-шароитлар энди ишни янгичасига ташкил этишни тақозо этарди. Шундай бўлди ҳам. Янгиликларни амалиётга татбиқ этиш, қўшимча хизмат турларини кўпайтириш Муҳаррам опа учун аини ҳузурбахш, ёқимли ташвиш эди. Бунга туман почта алоқаси тармоғининг кейинги йиллардаги кўрсаткичларини назардан ўтказган одам тезда ишонч ҳосил қилади. Жамоа фаолияти билан боғлиқ факт ва рақамлар эса тармоқнинг вилоят филиали тизимлари ичида кўп йиллардан буюн илғорлар сафидан тушмай келаётганидан далолат бериб турарди.

Эл-юртга сидқидилдан қилинган хизматлар беиз кетмас экан. Муҳаррам опа истиқлол йилларида “Моҳир алоқачи” унвонига сазовор бўлди. Президентимиз фармонида кўра “Шухрат” медали билан тақдирланди.

— Раҳбарлик, Юртбошимиз таъбирияти билан айтганда, ҳаммадан кўпроқ ишлаб, юрт равнақи, саодати ва фаровонлиги учун куйиб-ёниб яшашидир. Мен ана шу пурҳикмат ўғитга амал қилиб яшапман, — дейди у биз билан суҳбатда ҳаяжон ила.

Эл-юрт ҳам фидойи фарзандларини суяди, ардоқлайди. Шону шуҳратларга мушарраф этади, албатта.

Абдунаби БОЙҚЎЗИЕВ,
“Ўзбекистон почтаси” ОАЖ
матбуот котиби

ЎЗБЕКИСТОН АЛОҚА ВА АХБОРОТЛАШТИРИШ АГЕНТЛИГИ

Маълум қиладики, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 22 ноябрдаги 458-қарори билан тасдиқланган Телекоммуникациялар соҳасидаги фаолиятни лицензиялаш тўғрисида низомнинг 49-бандига асосан:

“RELE VA AVTOMATIKA” очик акциядорлик жамиятининг (Тошкент ш.) аризасига мувофиқ кўчма радиотелефон (мобил) алоқа тармоқларини қуриш бўйича фаолиятга берилган АА серияли 0003158 рақамли лицензиянинг амал қилиши 2011 йил 22 июндан тугатилди;

“AVAZ VA FARZANDLARI” хусусий корхонасининг (Тошкент ш.) аризасига мувофиқ ўз тармоғини ташкил этиш ҳуқуқсиз маълумотлар узатиш тармоқлари хизматларини кўрсатиш бўйича фаолиятга берилган АА серияли 0003455 рақамли лицензиянинг амал қилиши 2011 йил 28 июндан тугатилди.

“ALMAZ OMAD SERVIS” хусусий корхонасининг (Бухоро ш.) ўз тармоғини ташкил этиш ҳуқуқсиз маълумотлар узатиш тармоқлари хизматларини кўрсатиш бўйича фаолиятга берилган АА серияли 0003342 рақамли лицензиясининг амал қилиши Бухоро шаҳар ҳокимлиги ҳузуридаги тадбиркорлик субъектларини рўйхатдан ўтказиш инспекциясининг 2011 йил 30 майдаги 1046-сонли хатига асосан тугатилди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 22 ноябрдаги “Телекоммуникациялар ва почта алоқаси соҳасида бошқарув тизimini такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 458-қарори билан тасдиқланган Телекоммуникациялар соҳасидаги фаолиятни лицензиялаш тўғрисида низомнинг 23 ва 52-бандларига асосан:

“BDCOM TASHKENT” масъулияти чекланган жамиятининг (Тошкент ш.) маҳаллий телекоммуникация тармоқларини лойиҳалаш, қуриш ва фойдаланиш (техник хизмат кўрсатиш) бўйича фаолиятга берилган АА серияли 0003445 рақамли;

“NILUFAR SHAMS” хусусий корхонасининг (Андижон вилояти) ўз тармоғини ташкил этиш ҳуқуқсиз маълумотлар узатиш тармоқлари хизматларини кўрсатиш бўйича фаолиятга берилган АА серияли 0003467 рақамли;

“ROV-INVEST” масъулияти чекланган жамиятининг (Тошкент ш.) ўз тармоғини ташкил этиш ҳуқуқсиз маълумотлар узатиш тармоқлари хизматларини кўрсатиш бўйича фаолиятга берилган АА серияли 0003487 рақамли лицензиялар 2011 йил 22 июндан бекор қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 24 октябрдаги “Телекоммуникациялар соҳасида фаолият кўрсатиш ҳуқуқи учун давлат божли микдорларини тасдиқлаш тўғрисида”ги 421-қарорига ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 22 ноябрдаги “Телекоммуникациялар ва почта алоқаси соҳасида бошқарув тизimini такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 458-қарори билан тасдиқланган Телекоммуникациялар соҳасидаги фаолиятни лицензиялаш тўғрисида низомнинг 45-бандига асосан:

“ALOQACHI MUHANDIS SERVIS” масъулияти

чи чекланган жамиятининг (Тошкент ш.) маҳаллий телекоммуникация тармоқларини лойиҳалаш ва қуриш бўйича фаолиятга берилган АА серияли 0001614 рақамли;

“ХПИ-22” расмчилик реклама корхонасининг (Қарши ш.) маҳаллий телекоммуникация тармоқларидан фойдаланиш (техник хизмат кўрсатиш) бўйича фаолиятга берилган АА серияли 0001655 рақамли;

“TEMIR XIZMAT” масъулияти чекланган жамиятининг (Тошкент ш.) кўчма радиотелефон (мобил) алоқа тармоқларини қуриш бўйича фаолиятга берилган АА серияли 0002550 рақамли;

“Электр алоқа монтаж” хусусий кўп тармоқли корхонасининг (Андижон ш.) маҳаллий телекоммуникация тармоқларини қуриш бўйича фаолиятга берилган АА серияли 0001672 рақамли;

“TEZYIG'ISHMAXSUSQURILISH” хусусий корхонасининг (Фарғона ш.) кўчма радиотелефон (мобил) алоқа тармоқларини қуриш бўйича фаолиятга берилган АА серияли 0002239 рақамли;

“Нектар” хусусий савдо ишлаб чиқариш корхонасининг (Қарши ш.) шаҳарлараро телекоммуникация тармоқларини қуриш бўйича фаолиятга берилган АА серияли 0001754 рақамли;

“СИНЧКОР” хусусий ишлаб чиқариш фирмасининг (Термиз ш.) маҳаллий телекоммуникация тармоқларини қуриш бўйича фаолиятга берилган АА серияли 0001865 рақамли;

“Телеком-А” хусусий фирмасининг (Сурхондарё вилояти) маҳаллий телекоммуникация тармоқларини лойиҳалаш ва қуриш бўйича фаолиятга берилган АА серияли 0001886 рақамли;

“Алоқа таъмир таъминот” хусусий ишлаб чиқариш тижорат фирмасининг (Қарши ш.) шаҳарлараро телекоммуникация тармоқларини қуриш бўйича фаолиятга берилган АА серияли 0001970 рақамли;

“TASHSOTTA'MIRQURILISH” масъулияти чекланган жамиятининг (Тошкент ш.) кўчма радиотелефон (мобил) алоқа тармоқларини қуриш бўйича фаолиятга берилган АА серияли 0002000 рақамли;

“PRONTO TELEKOM PLUS” масъулияти чекланган жамиятининг (Тошкент ш.) маҳаллий телекоммуникация тармоқлари хизматларини кўрсатиш бўйича фаолиятга берилган АА серияли 0002153 рақамли;

“Кароматилло-Файз” хусусий корхонасининг (Сурхондарё вилояти) маҳаллий телекоммуникация тармоқлари хизматларини кўрсатиш бўйича фаолиятга берилган АА серияли 0002255 рақамли;

“Кароматилло-Файз” хусусий корхонасининг (Сурхондарё вилояти) шаҳарлараро телекоммуникация тармоқлари хизматларини кўрсатиш бўйича фаолиятга берилган АА серияли 0002256 рақамли;

“Кароматилло-Файз” хусусий корхонасининг (Сурхондарё вилояти) халқаро телекоммуникация тармоқлари хизматларини кўрсатиш бўйича фаолиятга берилган АА серияли 0002257 рақамли;

“Энергопром Авто Строй” масъулияти чекланган жамиятининг (Фарғона вилояти) маҳаллий телекоммуникация тармоқларини қуриш бўйича фаолиятга берилган АА серияли 0002289 рақамли;

“ALOQA LINE SERVIS” масъулияти чекланган

жамиятининг (Тошкент ш.) маҳаллий телекоммуникация тармоқларини лойиҳалаш ва қуриш бўйича фаолиятга берилган АА серияли 0002318 рақамли;

“DELTA TELEKOM” масъулияти чекланган жамиятининг (Тошкент ш.) кўчма радиотелефон (мобил) алоқа тармоқларини лойиҳалаш ва қуриш бўйича фаолиятга берилган АА серияли 0002322 рақамли;

“АЛОКА-ТЕЛЕ-ЛЮКС” хусусий корхонасининг (Қарши ш.) маҳаллий телекоммуникация тармоқларини лойиҳалаш, қуриш, фойдаланиш ва хизматларини кўрсатиш бўйича фаолиятга берилган АА серияли 0002406 рақамли;

“PARKET-ELIT” масъулияти чекланган жамиятининг (Тошкент ш.) кўчма радиотелефон (мобил) алоқа тармоқларини қуриш бўйича фаолиятга берилган АА серияли 0002383 рақамли;

“TELECOM PROJECT PLUS” масъулияти чекланган жамиятининг (Тошкент ш.) кўчма радиотелефон (мобил) алоқа тармоқларини лойиҳалаш ва қуриш бўйича фаолиятга берилган АА серияли 0002556 рақамли;

“PROFELSIKOM” масъулияти чекланган жамиятининг (Тошкент ш.) маҳаллий телекоммуникация тармоқларини лойиҳалаш, қуриш ва фойдаланиш (техник хизмат кўрсатиш) бўйича фаолиятга берилган АА серияли 0002567 рақамли;

“CELL TECHNOLOGY COMMUNICATION” масъулияти чекланган жамиятининг (Тошкент ш.) кўчма радиотелефон (мобил) алоқа тармоқларини лойиҳалаш ва қуриш бўйича фаолиятга берилган АА серияли 0002672 рақамли;

“CELL TECHNOLOGY COMMUNICATION” масъулияти чекланган жамиятининг (Тошкент ш.) маҳаллий телекоммуникация тармоқларини лойиҳалаш, қуриш ва фойдаланиш (техник хизмат кўрсатиш) бўйича фаолиятга берилган АА серияли 0002701 рақамли;

“Mirjalol qurilish shuxrati” хусусий корхонасининг (Бухоро вилояти) маҳаллий телекоммуникация тармоқларини қуриш бўйича фаолиятга берилган АА серияли 0002659 рақамли;

“VASCO TECHNOLOGY SERVIS” масъулияти чекланган жамиятининг (Тошкент ш.) кўчма радиотелефон (мобил) алоқа тармоқларини қуриш бўйича фаолиятга берилган АА серияли 0002822 рақамли;

“ALFA TELEKOM” масъулияти чекланган жамиятининг (Тошкент ш.) кўчма радиотелефон (мобил) алоқа тармоқларини қуриш бўйича фаолиятга берилган АА серияли 0002725 рақамли;

“DIGIGATE” масъулияти чекланган жамиятининг (Тошкент ш.) кўчма радиотелефон (мобил) алоқа тармоқларини қуриш бўйича фаолиятга берилган АА серияли 0002738 рақамли;

“ARIS TELEKOM” хусусий корхонасининг (Бухоро ш.) кўчма радиотелефон (мобил) алоқа тармоқларини қуриш бўйича фаолиятга берилган АА серияли 0002749 рақамли;

“ZIYODA” хусусий корхонасининг (Фарғона вилояти) шаҳарлараро телекоммуникация тармоқларини қуриш бўйича фаолиятга берилган АА серияли 0002977 рақамли лицензияларнинг амал қилиши 2011 йил 23 июндан 10 иш кунига тўхтатилди.

➤ 2011-YIL — KICHIK BIZNES VA XUSUSIY TADBIRKORLIK YILI

Мустаҳкам таянч

Яқинда Тошкент вилояти «TURON» ахборот-кутубхона марказида Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йилида ахборот-ресурс марказининг вазифалари мавзусида семинар машғулотли бўлиб ўтди. Тадбирда Тошкент вилоятининг барча касб-ҳунар коллеж ва лицейлари ахборот-ресурс маркази раҳбарлари қатнашдилар.

— Давлатимиз томонидан яратилган шароитдан фойдаланиб, ёш тадбиркорларни янада кўпроқ ҳуқуқий ва соҳага оид адабиётлар билан таъминлаб бориш ниятимиз бор, — дейди кутубхонанинг илмий-услубий бўлими мудир Насиба Омонкелдиева. — Шу кунларда Тошкент вилояти миқёсида Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йилига бағишланган китоб кўргазмалари ўтказиди. Мазкур кўргазмаларимиз жойлардаги коллеж ва лицей АРМларида бўлиб ўтди. Асосий мақсадимиз, эндигина ўз бизнесини ҳаётга татбиқ этаётган ёшларга маънавий кўмак бериб, уларнинг ҳуқуқий билимларини ошириб боришдир.

«TURON» AKM ахборот-библиография бўлими мудир Зироат Исмолова «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик қишлоқ ҳўжалигида» деб номланган

кўргазма асосида шарҳ олиб борди. Ёш тадбиркорларга ёрдам тариқасида тузилган электрон слайдлар кўпчиликда қизиқиш уйғотди. Унда мамлакатимиз наشريётлари томонидан чоп қилинган соҳага оид янги китоблар ва уларнинг қисқача аннотациялари билан таништирилди.

Семинар қатнашчилари ўз бизнесини ҳаётга татбиқ қилишни истаётган ёшларга маънавий ёрдам бериш учун соғлом муҳитни ривожлантириш ҳақида фикр алмашдилар. Чунончи, Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили Давлат дастурида белгилаб қўйилган йўл-йўриқлар билан ёшларни таништириб бориш ва шу кўламда мавзуга оид китоб кўргазмалари ўтказиш ҳақида маслаҳатлашиб олдилар. Шунингдек, ёш тадбиркорлар учун «Фаровон ҳаётиимизнинг мустаҳкам таянчи» деб номланган услубий қўлланманинг тақдимоти бўлиб ўтди. Тўпламда Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили Давлат дастури ва кичик бизнесни ташкил қилиш учун нима-ларни билиш лозимлиги ҳақида сўз борди.

Давронбек РАЖАБОВ



Тарихий ғалабалар

Ўзбекистон ўсмирлар терма жамоаси Мексика яшил майдонларида тарихий натижаларга эришишпти. Аввалига терма жамоаларимиз ЖЧда қайд эта олмаган кўрсаткич – илк ғалабани қўлга киритган ўсмирларимиз, гуруҳнинг сўнгги учрашувида ҳам ғалаба қозониб, нимчорак финал йўлланмасига эга чиқди.

Чехия билан учрашув вакилларимизнинг устунлиги билан бошланди. Илк хавфли вазият 9-дақиқада юзага келди. Аббосда зарба бериш учун қулай имконият бўлди, аммо сардоримиз тўпни юқорилайтиб тегиб юборди. 19-дақиқада Холмурод Холмуродовнинг берган аjoyиб зарбаси тўсинга тегиб қайтди.

“Сен урмасанг, сенга уришади”. Учрашувнинг 22-дақиқа-сида ҳакам Сардор Раҳмонов-ни жарима майдони ичида қўл билан ўйнади деб топди ва пеналти белгиледи. Тўпга зарба берган Лукас Юлис адашмади.

Шундан сўнг ҳамюртларимиз яна ҳужумга зўр бердилар. Бу ҳолат ўз мевасини берди. Учрашувнинг 44-дақиқасида чиройли уюштирилган ҳужум-ни Темур Ҳакимов голга айлан-тирди.

Иккинчи бўлимда захира-дан майдонга тушган Давлат-бек Ёрбеков аjoyиб ҳаракат-лари билан ажралиб турди. Айнан унинг тўп узатиши на-тижасида Аббос Махстаиев гол киритиб, ҳисобда олдин-га чиқиб олишимизни таъмин-лади. Шундан сўнг ҳам Темур Ҳакимов, Аббос Махстаиев-ларда бир неча бор гол кири-тиш имкони бўлди. Вакилла-римизга бир оз аниқлик етиш-мади, шунингдек, ўша вазия-тларда рақиб дарвозабони ҳам ишончли ўйин кўрсатди.

ЎЗБЕКИСТОН – ЧЕХИЯ – 2:1

Голлар: Лукаш Юлис (23 пеналти), Темур Ҳакимов (44), Аббосбек Махстаиев (72).

Ушбу ғалабадан сўнг терма жамоамиз ўз гуруҳида бирин-



чи ўринни қўлга киритди ҳамда “F” гуруҳида учинчи бўлган Австралияга қарши ку-раш олиб борди.

Ҳамюртларимиз ушбу ўйинда ҳам хотиржам ҳаракат қилиб, ишончли ғалабага эришди. Учрашувнинг 11-дақи-қасида Асилжон Мансуров майдон марказида тўпни ра-қибдан олиб қўйиб, олис ма-софадан Махстаиевга узатди. Сардоримиз дарвозабон билан бирга-бир вазиятда аниқ зар-баси билан ҳисобни очди. Биринчи бўлим якунига ети-шига беш дақиқа қолганида футболчиларимиз рақиб жари-ма майдончаси яқинига келиб, кучли прессинг уюштиришди. Натижада Сардор Собирхўжа-ев тўпни рақибдан олиб қўйиб, жарима майдончасига кириб борди ва Аббосга тўпни узатди. Ҳимоячилар Махстаие-вга зарба беришга қаршилиқ қилишди. Аммо, охир-оқибат тўп барибир бизнинг футбол-чига келиб тушди ва Темур Ҳакимовнинг зарбаси Пол Иззо қўриқлаётган дарвозанинг бўш бурчагига бориб тушди.

Иккинчи бўлим ўрталари-да Давлатбек Ёрбеков рақиб

жарима майдончаси ичида тўпни қабул қилиб олиб, уни дарвозабон майдончаси сари кучли тарзда йўллади. Австра-лия сардори Чапман тўпни қайтараман деб, ўз дарвозаси-ни ишғол қилиб қўйди.

Учрашув охирида Жасур ва Темур Ҳакимовларнинг ўзаро пасларидан кейин тўп Давлатбекка келди. У эса дар-возабон билан бирга-бир ва-зиятда ҳисобни 4:0га етказди.

ЎЗБЕКИСТОН – АВСТ-РАЛИЯ – 4:0

Голлар: Аббос Махстаиев 11, Темур Ҳакимов 40, Кон-нор Чапман 66-автогол, Дав-латбек Ёрбеков 89.

Бизнинг чорак финалдаги рақибимиз Уругвай бўлади. Конго билан ўйинда уругвай-лик ўсмирлар 0:1 ҳисобида ортда бораётиб, аввал ҳисоб-ни тенглаштиришга, сўнг ўйин туташига тўрт дақиқа қолгани-да ғалаба тўпини киритишга муваффақ бўлишди. Шундай қилиб, ўсмирларимизнинг Жаҳон чемпионатидаги тари-хий ғалабалари давом этмоқда. 3 июл куни бўлиб ўтадиган чо-рак финал баҳсида вакиллари-мизга зафарлар тилаб қоламиз!

Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги Махсус авария-тиклаш бошқармаси ҳарбий хизматчилари ўртасида Халқаро гиёҳвандликка қарши кураш кунига бағишлаб спартакиада ўтказилди.

Маҳорат кўриги

Бошқарма шахсий таркиби ўртасида соғлом ҳаёт тарзи маданиятини тарғиб қилиш ҳамда соғлом авлодни жисмоний ва маънавий шакл-лантириш мақсадида ташкил этилган мусоба-қаларнинг очилишида вилоят ОИТСга қарши кураш маркази врач эпидемиологи Р.Юсупова ҳамда Саломатлик ва тиббий статистика Тош-кент вилояти филиали директор ўринбосари С.Юнусовлар соғлом турмуш тарзи, гиёҳванд-лик ва ОИТСнинг олдини олиш бўйича маъру-залар ўқиб, филмлар намойиш этишди.

Ҳарбий қисмнинг муддатли ҳарбий хизмат-чилари соғлом ҳаёт тарзига омил бўла олади-ган 100 метрга югуриш, турникда тортиниш, арқон тортиш, тош кўтариш ва эстафета югу-риш каби жисмоний машқ турлари бўйича мусобақалашдилар.

Мусобақаларда 60 нафар ҳарбий хизматчи қатнашди. Баҳслар бўлинмалар ўртасида ўтка-зилиб, унда ҳарбий қисмимизнинг 1-АТИ мар-кази, 2-АТИ маркази, Алоҳида ҳаракатдаги алоқа маркази ҳамда Автомобил взвод шахсий таркиблари ўзаро рақобатлашишди. Мусобақа-лар жуда ҳам қизиқарли ва кўтаринки руҳда ўтди. Ҳар бир ҳарбий хизматчи мусобақанинг қайси турида қатнашишидан қатъи назар, ўзининг спортга бўлган қизиқишини кўрсатиб, раҳба-рийнинг эсдалик совғалари, медаллар ва дип-ломларга сазовор бўлишди.

Мусобақада умумжамоа ҳисобида голиб бўлган 2-АТИ марказига кубок ҳамда медал ва совғалар тақдим этилди.

Бошқарма бошлиғи, полковник Ю.Собиров бошчилигида ўтказилган мусобақаларнинг асо-сий мақсадларидан бири ҳарбий хизматчилар-нинг доимий жангвор шайлигини ошириш бўлиб, ҳарбий хизматчилар орасида спортга бўлган қизиқишни янада юқориқўқ даражага кўтаришга қаратилди.

Ш.КУРАЙШЕВ,
Тарбиявий ишлар бўлими бошлиғи, капитан

Учрашувда Ватан мавзуси

“Матбуот тарқатувчи” акциядорлик компаниясида мамлакатимиз мустақиллигининг 20 йиллиги ҳамда 27 июн – Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари куни арафасида компания ходимлари билан учрашувга Ўзбекистон халқ шоири Сирожиiddин Саййид таклиф этилди.

Компания бош директори Сувон Нажбид-динов тadbирни кириш сўзи билан очди ва навбатни Сирожиiddин Саййидга берди.

Шоир сўз оларкан, таклиф учун компа-ния жамоасига миннатдорчилик билдириб, мустақиллигимизнинг 20 йиллиги ва Матбу-



от ва оммавий ахборот воситалари ходимла-ри куни билан уларни муvорақбод этди. Сух-бат мустақиллик, ўтган йиллар давомида эри-шилган ютуқлар, одамларимизнинг дунёқа-рашида юз берган ўзгаришлар ҳақида борди. Ватан ишқи ҳақида шоир ўз бошидан ўтказ-ган кечинмаларни ва шу мавзудаги шеърлар-ни барча зўр қизиқиш билан тинглади.

Учрашув сўнггида шоирга компаниянинг махсус совғаси топширилди.

Махзуна ОЛИМОВА

Яқинда “Ўзбекистон почтаси” ОАЖ Фарғона филиали Марғилон почта алоқаси тармоғи мажлислар залида маънавий-маърифий тadbир ўтказилди.

Энг азиз неъмат!

Тadbирда ТАТУ Фарғона филиали “Ижтимоий фанлар” кафедраси доценти Набижон Солиевнинг “Энг олий неъмат”, Фарғона шаҳар Оҳариқ МФЙдаги “Аҳмаджон қори” масжиди ноиби Қаюмжон Раҳматовнинг “Шукроналик бардавом бўлсин” мавзуларидаги маърузалари тингланди. Тadbирга шоир Исмоил Маҳмуд раҳбарлик қила-ётган Увайсий тўғараги аъзолари — Саидхон Ҳафи-зов ҳамда Абдуҳаёт Абдуқодиоровларнинг мустақил-лик, ватанпарварлик, инсонпарварлик руҳидаги шеърлари ўзгача руҳ бағишланди.

Почта ва телекоммуникация ходимларида ушбу маънавий-маърифий тadbир унутилмас та-ассурот қолдирди.

Ҳ.АСҚАРОВА

Қадим замонлардан бери халқ табобати амалиётида ўрик меваси ва мағзи юрак, хафакон, камқонлик, дармонсизликда шифодир. Хасталикларда ўрик мағзи бошқа доривор ўсимликлар билан бирга буйрак, нафас йўллариининг яллиғланиши, кўкйўтал касалликларида, ўрик ва унинг қоқилари ични юмшатувчи мулоим сурги сифатида, ўрик ва унинг елимлари ошқозон-ичак фаолиятини яхшилашда ишлатилиб келинганлиги маълум.

Ўрикнинг хосиятлари

Машҳур бобокалонимиз Абу Али ибн Сино ўзининг "Тиб қонунлари" асарида: "Ўрик иккинчи даражада совуқ ва ҳўл, мағзининг ёғи иккинчи даражада иссиқ ва куруқдир, чунки у тез бузилмайди ва тез ачимайди. Туршак суви ташналикни қондиради. Ўрик меъда учун шафтолидан кўра мувофиқроқдир. Совуқ мижозли кишилар ўрикни тоза асал билан ейишлари керак. Мағзининг ёғи бавосир касалига фойда қилади. Ўрик тез бузилиши сабабли иситмаларни келтириб чиқаради. Лекин ивигилган туршак иситмаларга фойда қилади", деб ёзади.

Олимларнинг таъкидлашича, ўрик пектин моддаларига бойдир, у, ўз навбатида, киши организмидagi захарли оғир металл тузларнинг чиқиб кетишига ёрдам беради. Шу жумладан, радиоактив моддалардан аъзоларни мусаффолаштиради. Ўрик мевалари таркибида муштарак ҳолда А, В1, В2, В6, В12, В15, С, Р, К, Н, Е, РР витаминлари мавжуд. Агар киши 100 грамм ўрикни истеъмол қилса, организмнинг А, В1, В12, Р, Е витаминлари нисбатан бўлган бир кеча-кундузлик эҳтиёжини қондиради. Шунча миқдорда истеъмол этилган ўрик 250 грамм сархил мол жигари каби қон таркиб топишига ёрдам беради. Олимларнинг таъкидлашича, ўрик ме-



васи барча табият неъматлари ичида пангам кислотаси — витамин В15ни сақлайдиган ягона манба ҳисобланади. Бу витамин сариқ касали, жигар циррози, турли хил захар билан захарланишни, юрак қон-томир касалликларини, атеросклерозни, модда алмашинуви, меъда-ичак йўли хасталикларини даволашда ва кекса ёшдаги кишиларнинг тез қаримаслигини рағбатлантирувчи восита сифатида фойдаланилади. Ўрик таркибида, шунингдек, калий, натрий, мағний, темир, фосфор, олтингурут, калий, мис, рух, марганец, кобалт, фтор, йод моддалари мавжуд бўлиб, инсон организмнинг ҳаётий фаолиятида жуда муҳим аҳамиятга эга.

Ўрикнинг мағзи мойли жавҳарларга бой бўлиб, улар инсон вужудидаги холестеринни чиқариб ташлашда ёрдам беради.

Етилиб пишган ўрик ғоят мазали, хушбўй, тўйимли бўлади.

Ҳозирги вақтда ўрикдан мураббо, қиём пиширилади, компот, шарбатлар тайёрланади. Биз куйида жуда қадим замонлардан бери қўлланиб келинган, шунингдек, халқ табобатида, тиббиётда синалган беозор ўрик ва ўрик маҳсулотлари билан айрим хасталикларни даволаш ҳақида қисқача маълумотлар беришни лозим топдик:

1. Хитой тиббиётида ўрик ҳароратни туширувчи, балғам кўчирувчи, ҳазми анчагина яхшиловчи ва энгил сурги сифатида кенг қўлланиб келинади.

2. Туршак ивигилган ёхуд ўрикдан тайёрланадиган чули (компот) ичиш қон босимини маълум даражада туширибгина қолмасдан, балки юракка қувват бериб, ошқозон-ичак фаолиятини яхшилайди, ич қотиш (қабзият)дан холи қилади.

3. Туршакни ивигиб қўйиб ичилса, ични юмшатиб, сийдик ажралишини кучайтиради, буйрактош, гипертония ва сариқ касалликларида ичилса, фойдалидир.

4. 2 литр сувга 1 кг туршак солиб, 1 соат милдириб қайнатилди. Ҳосил бўлган қайнатмадан ични юмшатиш учун 1 стакандан 3 марта ичилади. Айниқса, кечаси ичиб ётилса, нафи кўпроқ бўлади.

Сафар МУҲАММАД,
доришunos ва табиб

ALOQACHILAR IJODIDAN

БАТАНИМГА БАФИШЛОВ

Жондан азиз Батаним,
Фақат ўзингга атаб
Бир мадҳия ёзсайдим,
Ҳеч поёни бўлмаса,
Бирон таъриф топсайдим,
Ҳеч қисси бўлмаса.
Катта ҳофиз бўлсайдим,
Куйим хотим топмаса.
Бир дон дур топсайдим,
Ҳеч ким отин билмаса.
Кутлаб узоқ-яқиндан,
Дўстлар келсалар қатор.
Бир мусаввир бўлсайдим,
Чизгилари тор-тор.
Тасвирласам дийдорни,
Қадри буюк, улуғвор.
Тасвиримга тантана
Ҳеч қилмасди кор-кор.
Дунё тургунича тинчлик
Давронин сураверсин,
Кўролмаган икки дунё.
Бўлар ҳали хор-хор.
Юртбошиши ишончини
Авлодлари оқлайверсин,
Фақат эзгу ниятлардан
Олам бўлсин бор-бор.

Матлуба НАСРИДДИНОВА,
"ТШПТ" филиали
ходимлар бўлими бошлиғи

ХАНДА

Бемор аёл:

— Доктор, менга "тилингизни чиқаринг" дегандингиз. Ярим соат тилимни чиқариб ўтирдим, қарамадингиз. Айтган гапингиз эсингиздан чиқиб кетди-ёв.

— Йўқ, эсимдан чиқмади. Касаллик тарихини аниқ ва лўнда ёзишим учун менга тинчлик керак бўлди.

Бахтдан
лаззатланиш —
буюк саодат.
Бахтни ўзгаларга
тухфа этиш ундан
ҳам буюкроқ
эзгуликдир.

франсис БЭКОН

Обуна бўлишни унутмадингизми?

OBUNA-2011

Қадри муштарийлар!

"Xabar" газетасига иккинчи ярим йиллик учун "Ўзбекистон почтаси" ОАЖнинг барча почта алоқаси бўлимлари ва "Матбуот тарқатувчи" АК шохобчаларида обуна бўлишингиз мумкин.

Газета ҳафтанинг жума кuni, 16 саҳифада, тўлиқ теледастурлар билан чоп этилади. Шошилиниг, обуна давом этмоқда.

Xabar Сизнинг газетангиз!

Нашр
кўрсаткичи — 228.

Тараққиёт
одинлари

Xabar

МУАССИС:

ЎЗБЕКИСТОН АЛОҚА ВА
АХБОРОТЛАШТИРИШ
АГЕНТЛИГИ

Бош муҳаррир:
Абдусайд КҮЧИМОВ

ТАХРИР ХАЙЪАТИ:

Ҳаким МУҲИТДИНОВ (Хайъат раиси), Асаджон ХҲҲАЕВ, Миродил САНГИЛОВ,
Шухрат СОДИҚОВ, Шухрат АТАМУҲАМЕДОВ, Сувои НАЖИДДИНОВ,
Рустам ҚОСИМОВ, Абдулгани АБДУРАҲМОНОВ (Бош муҳаррир ўринбосари),
Лутфилло ТУРСУНОВ (масъул котиб).

Тахририятга келган қўлёзма ва суратлар эгаларига қайтарилмайди.
Муаллифларнинг фикрлари тахририят фикридан фарқлангани мумкин.
Нашримиздан кўчириб босилганда "Xabar"дан олинганлиги кўрсатилиши шарт.

Тижорий материал — 0

Реклама матнларининг тўғрилигига тахририят жавобгар эмас.
Газетани тайёрлашда интернет материалларидан ҳам фойдаланилади.

МАНЗИЛИМИЗ:

100043, Тошкент,
Бунёдкор шохқўчаси, 8-уй.
Тел.: 288-40-65; 288-40-66, 288-40-69.
Факс: 288-40-72. E-mail: info@xabar.uz

Обуна индекси — 228.

Газета тахририят компьютер
базасида терилди ва саҳифаланди.

Дизайнер: Аслиддин БҮРИЕВ.
Навбатчи: Лутфилло ТУРСУНОВ.

Газета Ўзбекистон матбуот ва
ахборот агентлиги томонидан
0016 рақам билан 2006 йил
6 декабрда рўйхатта олинган.

Газета
ҳафтанинг
жума кuni
чиқарилади

"Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик
компанияси босмахонасида чоп этилди.
Манзил: Тошкент шаҳри,
"Буюк Турон" кўчаси, 41-уй.

G-702 сонли буюртма.
Офсет усулида босилди.
Қоғоз бичими А-3, ҳажми 4 босма
табоқ. Адади: 16525 нуска.

ISSN 2010-6424

Босишга топширилди — 20.00.
Босишга топширилиш вақти — 20.00.

Вилоят
муҳбирлари:

Андижонда 226-47-80 Бухорода 223-27-85 Гулистонда 40-12-19 Жиззахда 226-06-34 Навоийда 225-91-10 Наманганда 226-61-85 Нукусда 554-35-45 Самарқандда 233-61-81 Термизда 224-06-12 Тошкентда 288-40-66 Урганчда 226-37-16 Фарғонада 224-91-56 Қаршида 314-08-99